

## МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хидиров Фурқат Шукуруллаевич

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544678>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш йўналишлари, шакл ва усуллари, ҳуқуқий асослари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этишдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** профилактика инспекторлари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскан, жамоат тартиби, жамоат тартибини сақлаш, патруль йўналишлари, ҳамкорлик, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирлари.

Мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жамиятда қонунга итоаткорлик маданиятини шакллантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, жиноятчиликни жиловлаш бош мезонга айланди.

*Жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш* – бу демократик жамият ҳуқуқий давлатнинг тараққиёти қонуниятларидан келиб чиқадиган, ички ишлар идоралари, давлат ва жамиятнинг бошқа идоралари томонидан фуқаролар иштирокида, жамоат жойларида кишиларни ҳуқуққа мувофиқ хулқини, йўл ҳаракати хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш, фуқароларни ҳаётини, саломатлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини, жамия ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қарши содир этилган ёки қарши қаратилаган ҳаракатлари учун айбдорларни жавобгарликка тортишни ташкил этишдан иборат ташкилий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар тизимидир<sup>1</sup>.

*Жамоат тартиби* – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, жамият хавфсизлигини таъминлашга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг нормал фаолият кўрсатиш, фуқароларнинг ишлаш ва дам олишлари учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган уларнинг шаъни, инсоний қадр қимматини ва ижтимоий ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш бўйича ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий нормаларга амал қилиш асосида асосий тарзда жамоат жойларида келиб чиқадиган ва ривожланиб борадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Ислохотлар жараёнида ички ишлар органлари фаолияти, жумладан жамоат тартибини сақлаш фаолиятини янада такомиллаштириш, тизимда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аҳолига ўз вақтида сифатли ёрдам кўрсатиш, ҳудудларда жиноятчиликни жиловлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

<sup>1</sup> Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбонов А.А. Ички ишлар идораларида бошқарув асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони қабул қилиниб, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Хусусан, маҳаллада жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар мақбуллаштирилиб, уларнинг ягона рўйхати тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори билан тасдиқланган “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги низомда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг асосий функцияларидан бири сифатида жамоат тартибини сақлаш белгиланган.

Жумладан, маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга ошириш соҳасида қуйидаги функциялари белгилаб берилган:

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги [Қонунида](#) назарда тутилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;

жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш;

жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиний жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни қидириш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга қўмаклашиш;

“жиноят ўчоқлари” ҳисобланган жойларда пиёда, мото ва автопатруль йўналишларини ташкил этиш;

пробаця назоратидаги шахсларнинг ўрнатилган чекловларга риоя этишини узлуксиз текшириш;

содир этилган жиноятларни «иссиқ изидан» фош этиш бўйича зарур дастлабки тадбирларни ташкил этиш, фуқароларнинг шахсларини аниқлаш чораларини кўриш;

“Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳи аъзоларидан иборат патруль йўналишларини ташкил этиш<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида фуқароларнинг шахсий ва мулкый хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тўхтатиш, жиноятларни очиш, қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда жамоат ташкилотларига ёрдам кўрсатишда профилактика (катта) инспекторлари муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, профилактика инспекторларининг фаолияти асосан хизмат кўрсатиш ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини таъминлашга қаратилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори/URL: <http://www.lex.uz>.

Профилактика инспекторининг вазифалари ҳам ана шу билан боғлиқ бўлиб, у ўзига бириктирилган турар жой ёки бошқа ҳудуддаги ишларнинг аҳволи учун шахсан жавобгар, аниқ иш учун масъул шахсдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш бўйича профилактика катта инспекторлари улар бўлмаганда профилактика инспекторлари зиммасига, *биринчидан*, масканда фаолият кўрсатадиган ходимларга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилади, ҳудудда патруль йўналишларини белгилайди ва патруллик хизматини ташкил этиш; *иккинчидан*, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмалари вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Таъкидлаш лозимки, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскаларининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятининг энг муҳим йўналиши патруллик йўналишларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мунтазам назоратини амалга ошириш ҳисобланади.

Патруллик йўналишларида хизмати ташкил қилиниш ва фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардир:

- қонунийлик,
- инсонпарварлик,
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,
- ошкоралик,
- бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва фуқаролар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш<sup>3</sup>.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда таъкидлаш лозимки, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этишда хизмат ҳудудидаги жамоат жойлари, жумладан, бозорлар, савдо мажмуалари, кўнгилочар масканлар, истироҳат боғлари, шунингдек ҳуқуқбузарликлар тез-тез кузатилаётган ҳудудларда паструль йўналишларини ташкил этиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш, шу билан бирга “Фидокор ёшлар жамоатчилиги патруль гуруҳлари” патруллик йўналишларини ташкил этиш, Миллий гвардия органларининг янги йўналишларда патруллик йўналишларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш ва хизматга жалб қилинган шахсларнинг қонунларга риоя қилган ҳолда хизматини олиб боришларини назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Аммо, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этишда айрим камчиликлар мавжудки уларни бартараф этиш ва такомиллаштириш чораларини кўришни тақазо этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, жорий йилнинг 5 ойи давомида Тошкент шаҳрида жами 9579 та жиноят содир этилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,5 фоизга (1289 тага) ошган. Мазкур жиноятларнинг 38,2 фоизи (3367 таси) бевосита маҳаллалар ҳудудида, 8,3 фоизи (795 таси) эса жамоат жойларида содир этилган. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19

<sup>3</sup> Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбонов А.А. Ички ишлар идораларида бошқарув асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3786-сон ва 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4075-сон қарорлари билан жорий этилган “Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари” ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолияти етарли даражада самара бермаяпти. Жумладан, жорий йилнинг 5 ойи давомида Тошкент шаҳрида жами 42 та патруль гуруҳлари таркибида 107 нафар ёшлар тегишли вазифаларни бажарган бўлса-да, улар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш бўйича бирор бир натижа қайд этилмаган. Шунингдек, сўровлар натижасидан маълум бўлдики, ушбу патруллик гуруҳлари аъзолари ёшлиги, ҳаёт тажрибасининг камлиги, ҳарбий хизматни ўтамаганлиги, касбий малака ва кўникмаларга эга эмаслиги сабабли айтарли ижобий натижаларга эришмаган.

Шу боисдан, “Фидокор ёшлар жамоатчилик патруль гуруҳлари” аъзолигига қабул қилиш тартибига муайян ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ, жумладан:

1) маҳаллаларда “Ҳақ тўланадиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш” тизимини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида жамоат хавфсизлигини таъминлашни рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан “жамоат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашувчи гуруҳлар”ни тузиш ва фаолиятини йўлга қўйиш. Гуруҳ аъзоларига уларнинг иш натижаларига қараб ҳақ тўлаш тартибини белгилаш (фаолият натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш);

2) Мазкур гуруҳлар аъзолигига вақтинча аҳолининг ишсиз ва банд бўлмаган қатлами орасидан юкланган вазифаларни бажаришга ихтиёрий равишда иштирок этиш истагини билдирган, жисмоний ва маънавий соғлом, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ёхуд олий таълим муассасаларида ҳарбий тайёргарликни ўтаган 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари тавсиясига асосан туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошликлари буйруқлари билан қабул қилиниши тартибини белгилаш;

3) Мазкур тузилмалар зиммасига маҳаллалардаги криминоген вазияти юқори бўлган жойларда кундузги ва тунги назорат рейдларини амалга ошириш, оммавий тадбирлар, шу жумладан тунги дам олиш, кўнгилочар масканлар атрофида, тўй маросимлари ўтказилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни амалга ошириш каби вазифаларни юклаш.

Таъкидлаш лозимки, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этишда унинг таркибига кирувчи, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари ҳамда жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги манзилли тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.